



Тасвир

● 125 (2389)

● 1991 ЙИЛ 17 ОКТЯБРЬ

● ПАЙШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН.

МАВЗУГА ҚАЙТАМИЗ

МЕДАЛГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Рўзномамизнинг 12 октябрь соҳида 1 октябрь кунин Наманган шаҳрида рўй берган фалокат ҳақида хабар қилгандик. Салонда бензинли идиш сақлаган ҳайдовчи ва фавқулодда чекишни хоҳлаб қолган йўловчи айби билан автобусда ёнғин бошланг, оқибатда икки киши ҳалок бўлган ҳамда 34 киши касалхонага ётқизилганди.

Наманган вилояти ИИБ матбуот гуруҳининг бизга хабар қилишича, ўша пайтда воқеа жойига биринчи бўлиб милиция катта лейтенанти М. Баҳромов етиб борган. У бирор сонияни ҳам бекор ўтказмай, олов ичида қолган автобусдан йўловчиларни тушира бошлаган.

М. Баҳромов ўзининг қаттиқ куйганига қарамай, фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш ҳаракатини давом эттирарди. Ун нафар йўловчи унинг ёрдами туфайли тирик қолди. Иккинчи даражали куйган тўрт кишини эса милиция катта лейтенанти йўловчи машиналарда шифохонага жўнатди.

Жасур миллионер «Ёнғиндаги жасорати учун» медали билан мукофотланишга тавсия қилинди.

ФАРЗАНД КЎР ҚИЛГУР

Шу йилнинг 1 октябрь кунин Крупская номли санатория яқинида жойлашган гаражлар орасидан рўзномага ўралган тирик чақалоқ топилди. Еруғ дунёга келиб рўшнолик кўрмай «инга-инга» лаб йиғлаётган чақалоқни муҳофазага олиш ва омон сақлаб қолиш ниятида тезлик билан 6-туғруқхонага жўнатилди.

Куйбишев тумани ИИБнинг 1-шаҳар милиция бўлини маси ходимлари оператив чора-тадбир кўрдилар. Натижада ётоқхоналардан бирида беркиниб юрган, 1962 йилда туғилган А., яъни ташлаб кетилган чақалоқнинг онаси ушланди.

У пойтахтга Ғалаба туманидан меҳмонга келган. Айтишига қараганда, фарзандини тоғ маҳали туғиб, боғи жойга ташлаб кетган.

Чақалоқнинг соғлиги яхши. Лекин гўдак ўсиб-улғайганда, фарзанд кўр қилгур она унинг кўзларига қандай қараркин?

С. СУЛАЙМОНОВ.



ТЎППОНЧА ИШ БЕРМАДИ

Шу йилнинг 22 август кунин эрталаб одатдагидек, Урганч шаҳар 1-ўрам участка катта инспектори милиция капитани Хўжамберган Аевзов ўз таянч пунктида участка инспекторлари — милиция катта лейтенанти Ренат Мадаминов, милиция лейтенанти Дурдибой Маткаримов,

милиция катта лейтенанти Фарҳод Бобононов ва Тоғимбой Ортиқовлар билан бугунги қилинажак ишлар ҳақида суҳбатлашиб тургандилар. Шу пайт телефон қўнғироғи жиринглади. Х. Аевзов гаплашиб бўлгач, олинган хабар билан атрофидагиларни таништирди: 25-уй-

нинг эшигини икки номаълум шахс темир билан бузишпти.

Воқеа содир бўлаётган жойда икки гуруҳга бўлинишди. Х. Аевзов жиноятчилар дераза орқали қочмасликларни учун икки участка инспекторини дераза олдиға қўйди. Ўзи эса Р. Мадаминов билан хонанинг эшигини итариб кўришди. Ичкаридан маҳкамланган. Нима қилишни ўйлаб турганларида тўсатдан эшик очилиб, жиноятчилардан бири ўзини ташқарига отди ва қўлбола тўппончанинг тепкисини босди. Тўппонча ишламади. Яккама-якка олишувда милиция капитани устуллик қилиб, жиноятчининг қўлини маҳкам орқасига боғлади. Лекин шу орада иккинчи ўғри қочишга улгурди.

Қўлга олинган Б. Валерий 1961 йили Бухоро вилоятида туғилган. Илгари ҳам ЖМнинг 216-б банди билан судланган. Ҳозир унга нисбатан яна жиноий иш қўзғатилди. Шериги эса қидирилмоқда.

Саъдулла БОБОЕВ,

«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Катта участка инспектори милиция капитани Хўжамберган Аевзов участка инспекторлари билан суҳбат ўтказётган пайт. 2. Урганч шаҳар ИИБ катта терговчиси милиция капитани Озод Қодиров ва Х. Аевзовлар жиноятчидан тортиб олинган қурооларни кўздан кечирмоқдалар. 3. Далилий ашёлар.

Муаллиф олган суратлар.



ЖАРИМА БИЛАН ҚУТИЛДИ

Тунда милиция ходимлари бир йиғитни тўхтатишди. Текширилганда унинг ёнидан совуқ қурооллар туркумига кирувчи «қўлбола» яроғ топилди.

Айтишига қараганда, март ойида кўчада бир гуруҳ безорилар уни қалтаклашган экан. Шу-шу ўзини ҳимоя қилиш мақсадида мазкур

қуроолни ясаган, доимо ёнида олиб юраркан.

Аваллига бунга ишонилмади.

Ўйқ. гувоҳлар бор экан. Ҳақиқатдан ҳам баҳор фаслида Александрнинг юз-кўзлари кўкариб юрганини тасдиқлашди.

«АЙЛАНИШ...»

«Май ичиш кишини гоҳида шер, гоҳида ер қилади», деганлари мутлақо тўғри экан. Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони ҳам томоғини ҳаддан зиёд намлаб «шер»га айланаркан, бу «айланиш»нинг оқибати ўз бошига битган бало бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмади.

Халқимизда «жаҳлинг чиқса бурнингни тишла», деган мақол бор. Лекин бу мақолни нотўғри тушунган чоғи, Шавкат Пирматов, тўртинчи фарзанди ҳам қиз эканлигидан ранжиб, рафиқасига ачиқ қилганича, уйдан бош олиб чиқиб кетди. Қўйлиқдаги Муқаддас исмли аёлнинг уйда қонунсиз равишда бирга яшай бошласада, кўнглидаги ҳижиллик ҳеч тарқалмади. Алаmidан тез-тез ичадиган одат чиқарди. Ўша кунги кўнглихушлик ҳар галгига қараганда ортиб кетди. Уйга қайтиш учун «Вокзал — Қўйлиқ» йўналиши бўйича қатнаётган трамвайга Жарқўрғон бекатидан чиқди. Аввалига йўловчиларни чанги-тиб ҳақорат қилгандан сўнг, ўзини тартибга чақирган трамвай ҳайдовчиси билан «гаплашиб қўйгиси» келди. Салондагиларга урилиб-сурилиб ҳайдовчи ўтирган кабинага яқинлаша бошлади.

Ҳайдовчи Саидов кўрсаки иш чаток. Ноиллож трамвайнини тўхтатиб, бошқалар ёрдамида бу «эркатой» йўловчинини тушуриб қўйишга мажбур бўлди.

Лекин Шавкат ҳам сўзини ерда қолдирадиган анойилардан эмас. Қайта трамвайга чиқди. Юриб бораётган трамвай кабинасига кириб, ҳайдовчинини бисотидаги бор «ширин» қалималар билан «сийлай» бошлади. Бу ҳам етмагандек «Олимпия» бекатига борганларида ҳайдовчининг юзига тушириб қолди. Шошиб қолган Саидов трамвайдан ташқарига чиқаркан, «хуморини босолмаган» Шавкат кабинада турган қўлбола ломни олиб унинг ортидан отилди. Улгурмай қолдим, ҳарқалай зарб билан «ов» кетидан отилган лом «мўлжалдан адашди». Жазаваси қўзғалган «пахлавон» энди аламини трамвай ойналаридан ола бошлади. Бир неча ойнани синдиргач ҳам кўнгли тўлмади, яқин жойдаги уйдан пичоқ олиб чиқиб Саидов қочиб кирган тақсимловчи (диспетчер) хонасига кирмоқчи бўлганда, унга милиция ходимлари пешвоз чиқишди...

«Ҳар нарсанинг ўз метъери, тош-тарозиси бор» дейдилар. Нихоят шердек бўкирган Шавкат бир зумда «қўй»га айланди-қолди. Ҳар қанча тавалло қилмасин, Ленин тумани халқ суди томонидан Шавкат Пирматовга тўрт йиллик қамоқ жазоси белгиланди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ суди суд-тиббий экспертизаси ҳулосаларига, гувоҳларнинг кўрсатмаларига ва айбдорнинг чиндан рушаймонлигига таянган ҳолда Александр Холомовга 50 сўм жарима солди.

М. ИСРОИЛОВА.

— 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар;
— вояга етмаган болалари бўлган ва ҳомиладор аёллар;
— 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган аёллар жазодан озод қилинсин.

[Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон республикаси Президентининг, Амнистия тўғрисидаги Фармонидан].

Бошлиқ хонасигача чўзилган йўлак аёллар билан тўла. Лекин жимжитлик. Бошқа жой бўлганда-ю тўртта аёлнинг боши қўшилса, овозини узоқдан эшитардингиз. Бу ерда эса айтилдим, гап тамом. Ҳарбийларда ҳам бунчалик эмасдир-ов. Интизом, фақат темирдай (совуқ) интизом. Ёқадими-йўқми, бўйсунушга мажбурсиз. Аёл, нозик вужудлигиниз интизомдан, жиноятингиздан, меҳнатингиздан, хулқ-атворингиздан ҳам кейинда турадиган бир нарса. Назокат, ноз-карашма, дилбарликка бунда жой йўқдек. Уларнинг ортиқча даҳмазалиги маҳкумаларнинг ўзинга ҳам кундай аён. Ҳақиқатда эса ҳар бири ўша қинғирлик кўчасига бурилгандаёқ остонасида ечиб қолдирилган шоҳона либос. Бу ерда ялонғоч баданнинг ўзигина. Шу боис кўчанинг кўзи бу шармандаликка тушмасин, деган мақсадда деворлари баланд, эшиклари мустаҳкам, гир айлана тиканли симлар. Ваҳоланки, уларга илиниб қоладиган бебаҳо кийимнинг ўзи йўқ.

Маҳкумаларнинг тинчини бузиб, диққатини оширган нарса Жумҳуриятимиз Мустақиллиги қабул қилиниши муносабати билан эълон қилинган Амнистиядир.

Ленин тумани ижроқўми раисининг муовини В. И. Привалов, муассаса бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, ички хизмат подполковниги Т. Д. Поплавская, М. Бимакин, Ш. Жалолов, Ш. Кафизов, Р. Камолов, Р. Қосимовлардан иборат комиссия ўз ишини бошлади.

Мана комиссия авф этиши лозим бўлган биринчи аёл.

Ун етти йил савдо соҳасида ишлаган Э. Серкабоева бир эмас, ЖМнинг уч моддаси бўйича айбланади. Порахўрлик, ўз мансабини суистеъмол қилиш, чайқовчилик. 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жазо муддатининг бир йилини ўтабди.

— Зинҳор, қайта бу ишга қўл урмайман. Ишонинглар, адашдим. Иккинчи такрорланмайди. Тавбамга таяндим, — дейди юм-юм йиғларкан.

Унинг тавбасига ишонинди. Сўнгра худди шу каби сўзларни маҳкумаларнинг ҳар биридан эшитишга тўғри келди. Уша гап. Фақат айтаётган оғизу овоз бошқаники холос. Жиноятлари турлича бўлган тутқунларнинг тавбатазарру қилишлари бир хил. Охори тўкилган кўйлакка ўхшайди.

Р. Калонова — озгин жусали. Фақат кўзлари... Ундаги чуқур, чексиз мунг беихтиёр эътиборингизни тортади. Қандайдир оғир азоблар ҳақида билдираётгандай. Қотил. Ўзининг гапига қараганда ўша кун овози кайфи бўлган. Икки ярим ойлик чақалогини эмизиб ётиб ухлаб қолган. Гўдагини босиб ўлдириб қўйибди.

Қоғозлар эса бошқача гувоҳлик беради. Ичкиликка қаттиқ ружу қўйган. Қасддан фарзандини нобуд қилган.

Тилнинг суяги йўқ. Ҳар қанақасига айлантиравериб мумкин. Аммо ярамас қоғозларинчи?..

— Ота-онам вафот этиб кетишгач, икки хонали уй менга қолганди. Укам, синг-

лим ва мен турардик. Ҳаётим яхши бўлмади. Икки болам билан эрим ташлаб кетди.

Заводда кранчи эдим. Ишим оғирлигидан, ҳаётим носозлигидан оз-оздан ичиб, дард-аламимни ичимга ютардим.

юмилган кўзларига ҳам шу мунг мерос ўтгандир...

Йўқ, ишонгим келмайди. У билмасдан, уйқусираб босиб ўлдирган. Билмасдан... Агар атайлаб қилганида 30 ёшли аёл 50 ёш кўринармиди. Дилбанди доғида кўйиб шу аҳволга тушган. Ўз гуноҳини асло кечира олмаганидан бу. Қани энди шундай бўлса...

Наҳотки мана шу нозик вужуд, уч болани дунёга келтириб «она, онажон» деган муҳтарам сўзларни эшитган зот шундай қабиҳликка борса. Кўкрагини сўриб турган фаришгани гавдаси билан...

Тўғри итлар, каламушлар ҳам туғаверади. Ваъзан ҳайвонларнинг ўз болаларига кўрсатаётган меҳрибончиликларини кўриб, ёқа ушлайсан, киши. Нега энди, ҳеч бўлмаганда Рамизага ўхшаб ўз гўдакларини ўзи ўлдиратганлар бирор тасқара, ҳам-

на овқат беришади. Дам олиш имкони туғилади.

Мен «зонада» бола туғилишига қарши эмасман. Фақат уларни — оналарни вақтинча асровчи қурол бўлишига қаршиман. Сабаби, аксарият ҳолларда озодликка чиқиш соати бонг ургач, ҳимоя қуроли ортиқча даҳмазага айланади. Ўқлоқдек тилхатни ёзиб, қонуний воз кечишади. Ана шунисига ачинаман.

Ҳалима Абдуллаева етти фарзанднинг волидаси. Кеңжаси шу даргоҳда туғилган. Олти нафари онаси ва турмуш ўртоғининг қўлида. Эр шўрликка ҳам қийин. Қийинлиги олти оғзини едириб-ичириши, кийинтириши керак. Айтишларича тез-тез қадам ранжида қиларкан. Бечора. Раҳмингиз келди-а?

Бироқ фирибгарлик қилиб 26 минг сўмни еб юборган ожизан-мукаррамаси шунча-

16 минг сўмлик товонни гиринг демай тўлаш учун ўша пулни қўл билан ушлаш, кўз билан кўриш керакдир ахир.

Таниш-билишдан бир сўм қарз олса, омонатини топширмагунча уйқуси келмайдиганлар қанақа одамлар экан-а?

Тавба. Бўйи барабар қарзга ботиб ётсаю, авф этилса.

Л. Содиқованики 20 минг. Қаталакдек ҳовлида 15 жон яшаб туриб, яна фирт бегоналарни рўйхатдан ўтказиб, «саовбга» ботмоқчи бўлган. Тўрт йилга кесилганди. Бир ярим йил деганда чўкиб кетаяпти. Бўйнига қарздан маржон тақиб.

Наталья Капитонованинг иккинчи бор қамалиши. Уч нафар боласи бор. У ҳам обдон тавбасига таянганки, биринчи ўғирлигига қанча пушаймон бўлса, иккинчи жиноятига ҳам шунча андармон.

В. Шарипова Наталья каби аввалги ўтиришида тавбаси учун вақт тополмагани, бу галгисидан хулоса чиқарибди.

Икки, уч марталаб мазкур даргоҳга ташриф буюрганларни кўриб, уларнинг кўз ёшларигаю пушаймонликларига, илтижолари боқишларига шубҳаланиб қоларкан одам. Афсус-надоматлари эшаги лойдан ўтгунча эмасмикан?

— Икки марта жиноят қилиб тегишли хулоса чиқармаган экансиз. Балким шу ерда қолганингиз маъқулмикан-а?, — дейди Венеранинг кўз ёшларига ишонқирамаган В. Привалов. — Негаки муассасада ҳамма нарса бор. Картошка, пиёз, гўшт излаб югурмайсиз. Пишириб-куйдирмайсиз. Боланинг иштонини ювмайсиз. Овқат, кийимингиз тайёр. Очиқда ҳозир ҳамма соҳада тақчиллик. Бу ерда юрган вақтингиз мобайнида очиқда анча-мунча ўзгаришлар юз берди. Муаммолар етарлича. Эмизикли болангиз бор. Вақтинча ишлай олмайсиз. Ўғирлик қилишга мажбур бўлмасмикансиз?

— Йўқ-йўқ, асло. Иккинчи ўғирлик қилмайман.

— Қандай кун кўрмоқчисиз? Касб-корингиз бўлмаса.

— Бу ерда тикувчиликни ўргандим. Бирон тикув фабрикасига жойлашаман. Ёки фаррошлик қиламан. Қандай иш беришсам розиман.

— Майли, ишондик. Ҳар нима бўлгандаю, болаларингизни аҳтиёт қилинг. Улар сизнинг изингиздан боришмасин.

Комиссия кўриб чиқаётган маҳкумаларнинг аксарияти болалилардир. Шу вадан катталарнинг сўзига ишониб эмас, бегуноҳ гўдакларга ачинганидан ҳам улар авф этилаётгани аниқ.

Дунёнинг иши қизиқ-да. Улар бу даргоҳдан тезроқ чиқиб кетиш учун ҳозир энг азиз нарсасини беришга, воз кечишга тайёр. Бироқ шу дақиқаларнинг ичиде қаердир, қайсидир бир ожиза кимгадир фириб бермоқда, ўзганинг мулкига кўз олайтирмоқда... Билибми, билмайми ихтиёрий равишда ўзини жарликка қулатмоқда.

Мана бу болаларини кўтарганча эркинлик сари, хонадон сари интилганлар эса ҳамма-ҳаммасини унутини истайдилар. Кўнгилларида ҳалол ва пок яшаш нияти. Бироқ унинг учун ўзларида куч топа олармиканлар? Қийинчиликлар қуршовида қолиб кетган вақтида баргидаги жигари учун сабр-бардошини йиғиб, зулумотдан ёруғликка ёриб чиқа олармиканлар?

Жамият учун аёл, фарзандига эса она бўлиб қолиш қўлларидан келармикан?

М. ИБРОҲИМОВА.

КЎЗДАН ШАНА ШАРМАНДАЛАР



Устига-устак, синглим бир йигитни бошлаб келиб, уйимизнинг бир хонасида яшай бошлади. Уй талашиб қилган жанжалларимиз авжга чиқарверди. Сўнг учинчисини туғдим.

Уша кун қаттиқ сан-манга бориб, чарчаб қолибман. Эмизиб ётиб кўзим илинибди. Синглим атай қилди, деб судга берди.

Гапларини рост дейиш унчалик тўғри эмас. Алдаётган бўлса виждонига ҳавола. Фақат кўзларидеги мунг нимадан экан-а? Ўз фарзандини атай ўлдириб, тортаётган изтироблари изимикан? Ёҳуд ичкилик кемираётганда зўрга омон қолган виждони кўтарган исён чўғидир. Балким у ҳам, бу ҳам эмас, ота-онаси бахшида этган кўзлардир холос. Эҳтимол, икки ярим ойлик норасиданинг мангуга

ма жирканиб, ҳазар қиладиган маҳлуққа айланиб қолишмайди-я! Ушанда алами камроқ бўларди.

Бола... Ҳаётнинг мазмуни. Қариётган кўнгилга қувват берувчи куч. Чарчоғингни ёзувчи, дунёни кулдирувчи, олам-олам қувонч улашувчи бегубор вужуд. Юрагининг бир парчаси. Табиат инъом этган бахтнинг энг мوزик, ҳам бебаҳо, энг жозибали, нафосатли, мафтункор, сержило қирраси.

Яна... Яна сим деворлар ичидаги оғир ҳаётни энгиллатиш учун маҳкумалар севган қурол. Нега дерсиз? Негаки бу ерда кўпчилик ҳомила бўлишдан бисёр манфатдор. Уни орзиқиб, сабрсизлик (очиқда бунчалик истак бўлмасди) билан кутишади. Чунки шундагина оғир меҳнатдан қутулишади, яхшиги-

ни бошини буркаб ўзи емагандир. Хотини топган нонни қаердан, қандай олдинг, деб сўрамаган эркак-эркакми? Эрнинг ишламай, боқимандалиги туфайли хотини қирқта эшакка юк бўладиган найрангининг биттасини ишга солгандир. Энди боши тақ этиб ночорликка урилгач, фарзандлари, рафиқаси қошидаги гуноҳини туйиб елиб-югураётгандир.

Ҳадича Ҳотамованинг тўрт боласи бор. Каттаси 30 да, кичиги 21 да. Неварали. Ўзи ҳам 45 дан ошиб қолган, гавдали аёл. Ёшлик хатоси дейиш нотўғри. Муҳтожликдан десак-чи? Ундай эмас. Шайтон йўлдан урганми? Бурро-бурро гаплардан шайтонга дарс берадиган. Индамай, емаган сомсасига пул тўлайдиганларга сира ўхшаймайди.

Бора-бора Виктор бу хонадонни тарк этди. Аҳён-аҳёнда жанжал чикариш учунгина келарди. Хулласи калом, уларни эр-хотин деб ҳам, бегона деб ҳам аташ қийин бўлиб қолди.

Валентина ҳам ароққа муккасида кетди. Биз билмаймиз, эҳтимол уни бу оғу домидан қутқаришга кимлардир уриниб кўргандир. Аммо бундай гап-сўзлар, панд-насихатлар шамолга қарата айтилган билан баб-баравар эди.

Валентина охириги ишхонасидан ҳам ичкиликбозлиги учун ҳайдалди.

Қийин-қийин, фарзандга қийин. Ахир ота-оналик сурурини ароқнинг вақтинча, ўткинчи кайфига алишганлар ўртасида аросатда қолган жажжи Ирина бор эдида. У нима қилсин? Дардини кимга айтсин? Кимга эргашсин?

Яхшиямки, норасиданинг бошини силайдиган меҳрибон қўл топилди. Бувиси (Валентинанинг онаси) бор экан. Емон бўлса ҳам боламнинг боласи, гўдақда айб йўқ, деб ўйлади у. Иринани тарбиясига олиб, мактабга ўзи олиб бориб, ўзи олиб кела бошлади. Набираси хархаша қилгандагина уни қизиникига юборарди. Уша кунни ҳам қизалоқ Валентинанинг уйида эди.

...Эшик кўнғироғи жириглади. Валентина кўзгудан қараб, остонада тебраниб турган эрини кўрди.

— Хўш, нега келдинг? — деди эшикни очиб.

Виктор эса таклифсиз ичкарига кирди. Оёғидаги туфлисини ҳам ечмай стулга бориб ўтирди. Кейин хотинига ўқрайиб қараб:

— Бунақа ҳаёт жонимга тегиб кетди, никоҳ гувоҳномасини бер, ажралишамиз энди! — деди.

Терговда ҳозиргача аниқлангани шу. Бу таклиф Валентинага қандай таъсир қилди, нима дедию нима қўйди — ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Елғиз яратганга аён бу. Эҳтимол бир-бирига гал бермай ади-бади айтишгандир, балки тавба-тазарру қилишгандир.

Билганимиз шуки, эр кўчага чиқиб, катта идишда тўлатиб пиво олиб келди. Хотин эса қўшнилари Пётр ва Галяларни таклиф қилди. Тўртовлон ўзлари «базм-жамшид»ни бошлаб юборишди.

Юзлар қизариб, тиллар чулдираб кайф-сафо қилишаётганда яна кимдир келди. Эшикни очиб қарашса, Қодир Турғунов экан.

Унинг ташрифи ёққан бўлса фақат Валентинага ёққандир, бошқаларнинг назарида эса «ошга пашша тушгандек» бўлди. Бу ҳам бизнинг фарзандимиз. Ҳар ҳолда хотинининг жазманин кўриш Викторга хуш ёқмагани турган гап.

— Нега Валянинг уйига келдинг, — деди Қодир ғазабдан кўзлари қисилиб. — Ахир у сенга бегонаку?!

Уз уйдаги зуғум Викторнинг ҳамиятига теккани ҳам аниқ.

— Сенинг нима ишинг бор? — деди у ҳам тутатқиб. — Нега ювилмаган қошиқдай бизнинг ҳаётимизга аралашяпсан?

Даҳанаки жанг — аёлларга ярашади. Улар «эркакчасига» гаплашиб олиш учун ташқарига чиқишди. Уй бекаси уларни ажратишга ҳаракат қилдимми-йўқми — бундан ҳам беҳабаримиз. Аммо Пётр бу ишга томошабин бўлиб туришни ўзига эп кўрмади. Шишадошини ҳимоя қилиш ниётида у ҳам ташқарига чиқди. Хонада фақат аёлларгина қолишди.

Валентина ва Галя энди ташқарида уч киши аёвсиз дўппослашаётганини сезишар, тапир-тупур, бакирик-чакириқни бемалол эшитишарди.

Уч эркак муштлашиб, учинчи қаватдан пастгача тушишди. Тўғрироғи, Қодирни икки киши калтаклашди. Бунни қўни-қўшиллар эшиқларига ўрнатилган кичиккина кўзгучадан кўришди. Лекин юрак ютиб, уларни ажратиб қўядиган мард топилмади. Қўриқди. Қўрқмайдиганлари эса «ортиқча бош оғриқ»ни хоҳлашмади.

Ниҳоят, оғзи-бурни қонга беланиб, ҳушидан кетган Қодирни худди мушукнинг боласидай уйнинг ортидаги дарахтзорга судраб олиб бориб ташлашди. Кейин яна теллага кўтарилиб, маншатни давом эттиришди.

Ҳозирги пайтда кўпчилик лоқайд бўлиб кетган. Тўғриси айтганда, инсон деган сўзнинг қадри пасайиб кетгани аччиқ ҳақиқат. Майли, уларни ажратиб қўйишга юраклари дов бермаган бўлсин. Аммо Виктор ва Пётрлар уйларига кириб кетишгач, милицияга ёки «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилишлари мумкин эди-ку?! Шунини ҳам қилишмади.

(Боши ўтган сонда).

ҚУДУҚДАГИ ОДАМ

Эрта тонгда Қодир ўзига келди. Урнидан турди. Аъзои бадани худди мажақлаб ташлангандек эди. Кўзи тиниб, боши айланарди. Мадорсиз эди.

Бир-бир босиб (эҳтимол эмаклаб) яна Валентинанинг хонадонига кўтарилди. Бир амаллаб эшикдаги кўнғироқ тугмасини босди. Бу пайтда «базм-жамшид» ҳали ҳам якун топмаган, меҳмонлар чиқиб кетишган бўлишсада, уй эгалари пиво ичиш билан банд эдилар. Ҳойнаҳой, ажралиш ҳам эсларидан фаромуш бўлганди.

— Яна нима керак сенга?

— Рухсат берингла, ювиниб, сал ўзимни тартибга келтириб олсам...

Ҳайтовур, эр-хотинлар инсоф қилишди. Чунки бу ерда Қодирнинг бошқа бирорта ҳам таниши йўқ.



— Майли, кира қол! — дейишди.

Қодир ваннахонага бориб, ювинди. Бир кўнгли уйига қайтмоқчи бўлди. Ким билади дейсиз, балки шу пайтда кечадан бери йўлига кўз тутиб ўтирган турмуш ўртоғини, ўзига ўрганиб қолган қизчасини ўйлагандир. Лекин уларнинг истиқболига бориш учун мадори йўқ эди.

— Яна узр, бир оз дам олсам бўладими? — деб сўради.

— Майли, диванга бориб ётақол! — деди Валентина бир муддат пиво сипқоришдан тўхтаб.

Ниҳоят, уларни боғлаб турган ичимлик соб бўлди. Эринчоқлик билан дивандан ётган Қодирни туртишди. У эса қимирламади. Яхшироқ қарашса, қулоғидан оқаётган қон қотиб қолган. У ўлган эди.

Виктор ва Валентина бир-бирларига маъноли қараб олишди. Кейин Иринани чақиришди.

— Ира, юр, бувингникига бора-миз!

Шундай дея эшикни ташқаридан қулфлаб, Валентинанинг онасиникига жўнашди.

Улар шу кунни тунги соат 2 ларда яна қайтиб келишди. Аввал ўзлари билан келтирган икки шиша «Жасорат» виносини ичиб олишди. «Жасорат»ли бўлишди.

Кейин Виктор жасадини ваннахонага кўтариб олиб кирди. Болта ва пичоқ ёрдамида уни қиймалаб, етти бўлакка бўлди. Сўнгра хотинини чақириди.

— Кўриб қўй, Валя, агар бирор кишига миқ этадиган бўлсанг, сен ҳам шу аҳволга тушасан!

Энди ишни охирига етказиш керак. Уликни ҳеч кимга билдирмай йўқотиш лозим.

У кўп ўйлаб ўтирмади. Нимталанган жасадини иккита қонга жойлади. Қўни-қўшиллар уйқуда эканлигидан фойдаланиб, ташқарига олиб чиқди. Бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда — мактаб ҳовлисида канализация қудуғи бор. Уша ерга олиб бориб тикди. Шундан кейин енгил нафас олди.

Эртаси кунни эса яна бир фикр уни безовта қила бошлади. Кун иссиқ, қудуқдаги жасад ҳидланиб кетиши мумкин. Агар шундай бўлса, сир фаш бўлиб қолиши турган гап.

Виктор бунинг ҳам йўлини топди. Ёстиқнинг жилдини олиб, болалар ўйнайдиган майдончадан қумга тўлган эди. Кейин уни ҳам қудуққа ташлади. Энди жасад ярим метрча қум билан кўмилди. Сасиб кетса ҳам тупроқ остида, ташқарига чиқмайди.

— Бу иш билан мен 1 август кунидан бери шуғулланаяман, — дейди Уктам ака чуқур уҳ тортиб. — Кўп ишлар қилдик.

Виктор аввалига қотиллигини тан олгиси келмади. Биз эса унинг айбини исботловчи далилларни кўрсатдик. Ниҳоят, у оёқ тираш бефойда эканлигини тушуниб ётди. Нима бўлган бўлса ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди. Жасадини «дафн этган» қудуқни кўрсатди. Ва ўзи умрига зомин бўлган Қодирнинг жасадини тортиб чиқарди.

Шундан кейин қўшимча суд-тиббий экспертиза ўтказилди. Воқеа жойи диққат билан кўздан кечирилди.

Мутахассислар, қанча тозалаб ювилмасин, ваннада Турғунов гуруҳидаги қон юқи борлигини аниқлашди. Мурдани нимталашда ишлатилган пичоқни ваннанинг тагидан, кейин эса болтани ҳам яшириб қўйилган жойидан топиб олишди.

Уша фожиа юз берган кунни марҳум оқ рангли, кўк йўлли кўйлак, замонавий варенка шим ва енгил оёқ кийими (боссаножка) кийган эди. Қотил терговни чалкаштирмоқчи бўлдими, ҳарқалай «Унинг кийимларини ёқиб юборганман!» — деб туриб олди. Аммо изқуварлар бу кўрсатманинг ёлғон эканлигини исботлашди. Шундан кейингина у кийимларни яшириб қўйган жойидан — бир уй ертўласидан топиб берди.

Бу ашъвий далилни биологик экспертизадан ўтказиш учун мутахассисларга юборилди.

— Ҳозирги кунда Виктор Иванов ҳибсга олинган, — дейди прокуратура бош терговчиси ҳижоқсини якунлар экан. — Эндиликда жиноятга шериклик қилган Пётр Гавриловни ва Валентина Ивановани жиноий жавобгарликка тортишга ҳаракат қилаяпмиз. Токи бу икки шахс ҳам марҳумнинг тул қолган аёли ва етим қолган фарзанди кўз ёшлари ҳаққи Қонун олдида жавоб беришлари керак.

Гапнинг индалловини айтганда, Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ва прокуратураси, кейинчалик вилоят прокуратураси ходимларининг сазй-ҳаракатлари натижасида машҳум қотиллик фаш этилди ҳисоб. Уларнинг фикрича, эндиликда бу борада арзимаган ишлар қолди. Аввало қонхўр Виктор, қолаверса унинг бошқа икки шериги қилмишларига яраша жазо олишлари турган гап. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Аммо!.. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Улар суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатини ўтаб, яна озодликка чиқиб келадилар. Марҳум Мурод Турғунов эса бу ёруғ дунёни минбаъд бошқа кўрмайди. Нимталанган жасади қаро ер ортида чириб, тупроққа айланиб кетади.

Хўш, шундай бўлмаслиги мумкинми? Ҳа, мумкин эди. Агар у кўзидан ёш, дилидан фарёд сачраётган аёлига вафо қилганида, ўткинчи шахсоний ҳирсга қул бўлмаганида! Ваҳоланки, у уйда мунис ва мушфиқ турмуш ўртоғи, тили ширин зурриёди бўлишига қарамай, ароқхўр Валентинанинг ноз-ишваларига учди. Муҳаббатга, вафо-садоқатга хиёнат қилди. Эҳтимол унинг фожияси алданган муҳаббатнинг ўч олишидир, балки у Виктор, Валентина, Пётрларнинг қўли билан уни жазолагандир!..

Ҳар нима бўлганда ҳам Турғуновнинг оила аъзоларига қийин бўлди. Шу кунларда улар хиёнаткор эр ва хиёнаткор отага аза очингандир. Афсус...

Раҳмон АЛИ.

ЎПКАСИЗ ЎҒРИ

Аслида одамзод дунёга келиб воляга етиши жараёнида жамиятда ўз ўрнини топа бошлайди. Унинг келажақдаги мавқеи эса авваламбор гўдаклигидан бошлаб олган тарбиясига боғлиқ бўлса, иккинчидан у бориб қўшилган жамоадаги муҳит ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мана шу икки жиҳат кўпинча кишининг кейинги тақдирини белгилайди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган шахс 1955 йилда Оренбург вилоятида туғилган Виктор Овсянниковдир. У ўз бахтини Узбекистондан топмоқчи бўлди. Ўзича сафдошлари орасида обрў ҳам қозонди. У кўкрагига муштлаб «Мен кўпни кўрганман, алоҳида хавфли рецидивистман», — деганда унча-унча жайдарди ўғрилар мум тишлаб қолардилар. Ахир у ахлоқ тузатиш муасссаларини ортда қолдириб, ҳаттоки турмада ҳам «ўтириб» чиққанда. Тўғрида, чуқки мана мен деб 10-15 йил қамоқхоналарини «гуллатиб» келганлар ҳам турма нима эканлигини билишмайди. Бироқ улар Викторни «Ўпкасииз ўғри» деб ғийбат қилдишарди. Бу гапни ҳар ким ҳар хил тушунади.

Мана, бугун у бешинчи бор «қора курси»да терлаб-пишиб ўтирибди. Уқтин-ўқтин йўталиб, нафаси оғирлашаётгандек ўзини оғир ҳис қилмоқда. Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ судьяси К. Йўлчиев эса Викторни саволга тутди:

— Нима учун озодликка чиққач, милиция бўлимига келиб учрашмадингиз, ахир сизни маъмурий назоратда бўлишингиз кераклиги ҳақида қатъий огоҳлантиришганку?

— Ҳастаман, ўпкам йўқ.

— Жамиятга нафи тегадиган бирор иш билан ҳам шуғулланмабсиз?

— Ўпкамнинг мазаси йўқ.

— Унда нима учун даволамасдан, ўғирлик билан шуғулландингиз?

— ...

— Узингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

— Гуноҳимдан ўтинг, ўпкам йўқ.

Бироқ Виктор уйларга ўғирликка тушадиган пайтда отдек бўлиб кетарди. Фақатгина иккита хонадондан ўмариб кетган ўғирлик буюмларининг ўзи битта туяга юк бўлади. Муттаҳамнинг қисқа вақт ичида фуқароларга келтирган зарари 6494 сўмликдан ошиб кетади. Яхшиямки, осойишталик посбонлари текинхўрнинг ўпкасини вақтида босиб қўйишди.

Хуллас суд жараёнида Виктор Овсянниковни хасталиги ҳисобга олинди. Маъмурий назорат қондасини қасддан бузганлиги ҳам албатта назарда тутилди. У Узбекистон жумҳурияти жиноят маъмуасининг 125-банди 4-қисми ҳамда 199-3 банди 2-қисми билан олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Мол-мулки эса мусодара қилинди. Жазони ўзига қадрдон бўлиб қолган алоҳида режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўтайди.

Исмоил МИНАВВАРОВ.

КИМНИНГ ЭРКАСИ

Яқинда Қўқон шаҳрининг энг гавжум кўчаларидан бири — Ҳамза кўчасида светофорнинг чиройига амал қилиб ўтаётгандик. Қизил чирок ёниб турганида, пиёдаларнинг ўтаётганига қарамай «ГАЗ-24» белгили улов шахд билан илгари ўрмалади.

Рақами 30-30 эканлигига кўзин тушди. Ногаҳон орқага тисарилган йўловчилардан бири шеригига гап қотди:

— Бу машина шаҳар умумий оқватланиш трестига қарашли. Тиргаги «зўр».

Мен эса ўйга толдим. Наҳотки қонун-қондан менсимайдиган «эркатойни» жиловлаш ҳеч кимнинг қўлидан келмаса?

Шаҳарда нима кўп — рақамсиз мотоцикллар кўп. Ҳайдовчилик гувоҳномасиз уни бошқараётганлар янада кўп. Бу борада шаҳар ИИБ автомобиль назорати ходимлари чора кўрсалар, ёмон бўлмасди.

М. РАЖАБОВ.

Хилола, мен сендан кечсам машхур бўламан, дедим. Кечир... Мени ёшимда одамлар пулни, рўзгорни, оддийгина ҳаётни ўйлашади. Мен эса аллақандай севги-ю бахт деган илоҳий нарсаларни ҳаёл қилиб юрдим шу кунгача. Узимни эса энг сўнгги аҳмоқ эканимни энди сезаяпман. Энди сезаяпманки, сотиб олинган қайғу қайғу эмас экан. Сендан кечсам машхур бўламан, дедим. Сенга етишолмасам бир умр азоб чекам, дедим. Азоб мени шоир қилади, дедим. Ё менинг севгим азоб-ла яшашни билмади, ёки азобим шоир яшашни билмади. Билмадим... Бир вақтлар осмонда яшаб бўлмаслигини билмасдим. Шер билан қорин тўймадлигини, фақат севги билан ҳаёт бўлмаслигини ҳам. Мени туйғулар алдади.

Бир пайтлар фаришталар билан суҳбатлашардим. Ишонсанми? Сен билан учрашган куним мени уйда кутиб олишарди. Улар билан тонггача ҳасратлашардик. Сандалда кул бўлиб қолган чўғ гапимизни ўғирларди. Ташқарида совуқ қотган сукунат эса дерзани чертиб, уйга киритишимизни сўрарди. Биз унга эшикни очмасдик. Сукунат ёмон, у билан менинг суҳбатим қовушмайди. Тонгга яқин фаришталар кетишарди. Мендан ранжиган сукунат ҳам... Энди эса ҳатто шайтонлар суҳбатларига қўшишмайди.

Билсанми, сен фаришта эдинг! Мен бир умр шундай қолишингни истардим. Афсус, бу ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан. Бунинг учун одамзод чексиз бахтли бўлиши керак. Эсингдами, ҳовузга тушиб кетганингни айтган эдинг? Ушанда мен нимани ўйлаганимни билсанми? Кўнглингда олма. Улмаганингда афсусланганман. Зеро, ўшанда сени жонимдан ҳам ортиқ яхши кўрардим. Сени кутқарган одамни ҳали ҳам лаънатлайман. Бир умр лаънатласам керак. Ахир у сени энг олий бахтдан бенасиб қилган.

Бир вақтлар мен ҳам фаришта эдим, шу ҳолда қолиш менга ҳам насиб қилмади. Ахир мен бир умр бахтнинг яқинига ҳам йўлаганим йўқ. Мени урушга ҳам олишмади. Узим эса боришга ҳаракат қилмадим. У ёқдан мен тенгилар шайхид қайтаётган эди. Кўрқдим. Бунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечирмайман. Рухимни пок сақлашга кўп ҳаракат қилдим. Танага хиёнат қилмай туриб бунинг иложи йўқ экан. Рухининг 25 йиллик маконини оловда ёқиш, ёки оғилнинг шифтга осиб қўйиш жуда номазқул иш. Одам ўзи-

ни ўзи бахтли қила олмас экан. Сен тўй деган, ҳаётининг энг балчиқ томони бошланган маррани, балки энтиқиб-энтиқиб кутаётгандирсан. Мен эса тўйингни ўз азимни кутгандек кутаяпман. У кун сенинг кўзинг йиғлайди, менинг юзим кулади. Кимнинг қалби кулиши-ю кимники йиғлаши номазқул. Мен ўша кунни тасаввур ҳам қилолмайман. Тасаввур қилсам, юрагим ёрилиб кетади. Сени ўзимга ҳам раво кўрмаганман. Бошқага... Уша тўйга қандай чидайман? Ҳовуздан чиқариб олишмага-

ётганини билармидинг? Бу миннат эмас. Ҳақиқат. Сенга эса барибир уйлана олмаслигини билармидинг? Мен эр, сен менга хотин бўлишинг асло мумкин эмас эди. Чунки сени севардим... Севги эса ҳаётнинг ҳар қандай майда-чуйдасидан юқори туради. Жуда ҳам... Эсингдами, тунги сменада ишлар эдинг? Қиш эди. Ҳар тун эринмай қор ёғар, ҳаво худди сенинг табассуминг каби мулойим. Атроф худди сен каби ёқимтой. Ушанда ҳаёл қилардимки, сени ёки табиати маҳкам кучиб олсам. Йўқ,

лан унинг ортидан чиқиб кетдинг. Мен эса энг ночор аҳволдаги энг ночор банда, жойимда қолавердим. Нима қилишим керак эди? Ҳозир ҳам билмайман. На орқаларингдан чиқаримни билдим. На чиқмасимни. Мен бу ёққа келаётганимда, эшик олдида биздан беш катта қўшни қишлоқлик йигит турган эди. Ушанда, бу ерда нима қилиб юрибди, деб ҳам ўйламабман... Анча вақт кутдим. Келавермадинг. Биринчи қаватга тушдим. Ҳеч ким йўқ. Ташқарига чиқдим. Ҳамон қор тушяпти. Оппоқ. Ҳаво бирам

Қишлоқдан кетишдан олдин сўнгги уч ой давомида фақат гийбат билангина ҳамсуҳбат бўлдим. Сен ҳақингда гаплашдик. У нималар деганини билсанми? Бир кун ўзингга ҳам айтган эдим. Кулдинг: «Менга ҳар кун йигирмата айтади бу гапни... Биларкансанда, номингни ёмонга чиққанини. Мен эса энди эшитаяпман. Бир вақтлар ҳазил аралаш «Мени энди ким ҳам оларди», дединг... Мен эса ажабландим: «Шундай чиройли қизиния... Бир кун эса армон аралаш: «Чиройли қизлар етишиб келаяпти», дединг. Буни мен ке-йинроқ англадим. Қизларнинг шуҳрати худди қўшиқчиларникидек бўлар экан. Янгиси етишиб чиқса, эксидан ҳамма жиркана бошлайди. Сенинг ҳам шуҳратинг тамом бўлган экан. Ундан тўғри фойдалана олмадинг. Бўлмаса, йигирма ёшли чиройли қизнинг исми мактовнинг тилидан гийбатни-кига ўтиб кетармиди.

Йигитлар чиройли қизлардан кўрқишади. Чунки чиройиларда хунуқларга нисбатан жуфтига хиёнат қилиш имконияти икки баробар кўпроқ. Сен ҳам чиройлисан... Сезаяпсанми, мен бу сўзни фақат афсус билангина айтаяпман. Ҳавас билан эмас. Биз бахтли бўлишимиз мумкин эди. Лекин севги... Сен тезроқ тўй бўлишинг керак. Бу аҳволда оқибат ёмон бўлиши мумкин. Кейинги суҳбатларимиздан севги ҳақида гаплашиш иккалаимизга ҳам ярашмай қолганини сездим. Қишлоқда сен тенгилар бола, мен тенгилар рўзгор ташвишида. Биз эса...

Мен сен ҳақингда қанақа фикрда эканимни ҳали ҳам билмайман. Икки елкамда ўтирган, менинг савобу гуноҳларимни ёзиб олиши керак бўлган фаришталар аллақачон ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб, бири сени менга макташ билан, бири ёмонлаш билан овора. Мен эса сени учратган ўша биринчи кунни лаънатлашдан нари ўтолмаяпман. Қор ёғиб турган тунни ҳам... Сен билан гаплашиб турган чоғимда дунёда сендан ҳам бошқа покроқ қиз борлигига ишонмайман. Бу ерда, узоқдан туриб ҳамма нарсага атрофлича баҳо бериш имконияти бор. Шу ҳам чалага ўхшаяпти. Аниқ хулоса чиқаролмай сарсонман... Сен, бу хатни ўқишимдан кўрқиб бирор нарса деёлмаган, деб ўйлама. Бир тўхтамаг келолмаётганим рост.

Мен сени бир умр яхши кўраман. Севаман... Мен сени бир умр унутолмайман... Мен сени бир умр кечиролмайман... Кечиролмайман... Исмоил ШОҲ МУРОД.

(ТЕЛБА ХАЁЛЛАР)

Албер КАМЮ.

МАКТУБ

«ҚАНИ ЭНДИ ЖИМГИНА СЕВИШНИНГ ИМКONI БУЛСА».

ни дуруст эди сени, ё мени урушга кетганим. Менга сени учратган ўша кунни бир умр қарғайман, сўкаман. Зеро мени дунёдаги энг гўзал қиз билан таништирган бўлса ҳам. Нега бунчалар чиройлисан? Ҳамма қатори хунуқ бўлсанг нима қиларди-я! Ушанда мен сени одамлар бир-бирини севгандек севардим.

Кеча ҳам сенга хат ёзган эдим. Туни билан эса мени жинлар дўппослаб чиқди. Бақирай десам овозим чиқмайди. Кўзимни очай, дейман — очилмайди. Оёқларимда жон йўқ... Улдириб қўйишаёзди. Зўрға қочиб кутулдим. Менда не айб, айтишмади. Мен-ку ўзимни айбсиз санаб юрибман, лекин қийналиб яшайман. Сен ҳам мени гуноҳкор ҳисоблайсан. Айбим нимадалигини эса айтмайсан.

Мени бошқа қизга унаштиришганларида ҳам иккимизнинг муносабатимиз ўзгармади. Бу мен учун катта фожиа эди. Сенинг ҳар бир сўзингдан, ҳаракатларингдан менга нисбатан нафрат туйғуларини, норозилик кайфиятларини излар эдим. Тополмадим. Менга алам қилгани ҳам шу. Сен эса журттага қилгандай ҳатто менга унаштирилган қиз ҳақида лом-мим демадинг. Лоқақл бир марта ҳам: Ахир у сенинг дугонанг эди-ку! Кейин мен уйландим. Сен ўша-ўшасан. Тўй ўтар-ўтмас биз ажрашдик. Сен—ўша-ўша. Ҳеч қачон менинг ҳаётим ҳақида бир оғиз ҳам гапирмадинг. Гўёки, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Гўёки, ҳамма воқеаларнинг сенга сира алоқаси йўқдай. Одамга азоб беришини бунақа разилона усулини қаердан ўргандинг? Бу ишларнинг ҳаммаси сен учун бўла-

гаузали мақсадда эмас. Шунчаки, қалбдан сел каби оқиб келаётган туйғуларни бироз тийиш учун. Лекин бу иккиси ҳам амалга ошириб бўлмас ҳаёл эди. Сени кучиш учун катта жасорат керак бўларди. Шунчалар каттаки, кулиб турган мана шу нигоҳларингнинг ҳам эзиб ўта оладиган даражада.

Мен сени олдинда соатлаб қолиб кетардим. Бир кун айтдингки: «Энам сиз уйланган кунни, Хилола кўп қайғураверма, бошқаси топилиб қолар, дедилар. Мен эса қайғурганим йўқ эди». Бу гапни эшитиш мен учун энг олий бахт эди, энг олий армон эди, энг олий пушаймон эди... Яна айтдингки: «Севиганлар бир-бирига етишгани дуруст». Мен тескари фикрда эдим. «Етишишгани дуруст. Инсоннинг қалби ҳар доим кемтик бўлгани яхши. Ушандан туйғулар тўкилиб юради». Сен айтдингки, «Севги инсон учун яшайди. Инсон севги учун эмас».

Уша кун ҳам қор ёғаётган эди. Худди хаёллар каби, ҳислар каби оппоқ, майин, беғубор. Туннинг қоп-қора қўйнидан оппоқ қорлар чиқиб келаверади-келаверади. Осмоннинг ранги униқиб қолганини қизиқ. Биз эса туйғуларнинг жавони—қўшиқлар ҳақида суҳбатлашамиз. Сен негадир «Кечиргил» деган қўшиқни жуда кўп эсладинг... Дугоналаринг тикув машиналарини шарриллатиб қулоқларни баган қилса ҳам бизга халақит бермайди. Агар иккимиз суҳбатлашамиз десак, дунёдаги ҳеч нарса халақит беролмайди. Бунга бир неча марта имон келтирганман...

Сени биз тенги қоровул йигит чақирди. Дугонанг би-

ёқимтойки, ўлиб қолгинг келади. Эшик олдида қоровул турган экан. Нарироқдаги пахта тойлари сақланадиган хона ёнида дугонанг турибди. Эшик очик. Ичкари қоронғу. Миямга яшин урилгандек бўлди. Сен билан ҳалиги йигит ўша ёқда... Бунга шубҳам йўқ эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Нима қилишга ақлим етмади. Бир ҳаёл бостириб борай дедим. Лекин бунга ўзимда ҳуқуқ сезмадим... Сен боши очик қиз. Мен уйланган йигит... Ушанда бостириб кирсам бўлармиди! Уша йигитни сўйиб ташласам дурустмиди? Беш-ўн йил қамалиб келардим-да. Бу азоб нима азоб... Қоронғулик қўйнига гойиб бўлишдан аввал қоровулга зарда қилдим: «Одам эмас экансан». Дугонанг ҳам эшитди. Ушандан сўнг уч оқшом ухлаёлмай, шиша синиклари устида ётиб чиқдим. Шундан буён ҳар кунни ўшанда мени сен томон етаклаган туйғуни минг бор лаънатлайман. Агар ўша ишни мендан ўч олиш учун қилган бўлсанг ўзимни ҳам кунда минг бор лаънатлай.

Орадан ўн кун ўтгач, мен олдинга бордим. Бормаслигим керак эди. Бордим. Мени кўриб севиндинг: «Энди мени юзимга қарамасангиз керак, деб ўйлагандим» — дединг. Мен эса: «Менда ҳам бет йўқ» — дедим, холос. Сен эса кечирим сўрагандай: «Энди у қайтиб қадамни босмайди. Бу ерга, — дединг. — Иккинчи келмайдиган қилиб юбордим...» Мен ҳам ҳўрозқанд топиб олган боладек севиндим. Ишондим. Ишонмаганимда ҳам ҳеч нарса қилолмас эдим. Сенга ишонгим келди. Алдаётганингни сезсам ҳам.

ҲАР ТУҒРИДА

ЯПОНИЯЛИК БОЙВАЧЧА

Ҳозир дунёда энг бой одам қария Тайкихири Морн экан. Сайёра бойваччаларининг рўйхатини ҳар йили эълон қилиб турадиган АҚШнинг «Форбс» ойномасида унинг исми-шарифи биринчи ўринда турибди. Тайкихирининг сармоёси 15 миллиард долларни ташкил этади.

Иккинчи ўринни Йосиаки Цуцуми эгаллаб турибди. Цуцуми бу ўринни тўрт йилдан бери ҳеч кимга олдирмай келмоқда. Унинг сармоёси Тайкихириникидан атиги 1 миллиард кам холос. У «Кокудо кейкако» номли йирик компаниянинг 40 фоиз акциясига эгалик қилади.

ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ

Япониядаги жаҳонга машхур «Тойота» автомобиль компанияси мутахассислари янги енгил машина ихтиро этишди. Унинг тузилишида алюмин эритмаси ва бошқа енгил, мус-

таҳкам материаллардан фойдаланилган. Узунлиги 340 сантиметр, кенлиги 168, баландлиги 120 сантиметр бўлган бу машинанинг оғирлиги 430 килограммдир.

«Постда»

АГАР —
 ҲУҚУҚИЯ МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖЛИК СЕЗАНГИЗ,
 ЯНГИ ҚОНУН ШАРҲЛАРИ БИЛАН ТАНИШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
 ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИР ЭҒАЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
 ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА БИЛМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
 ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАН КУРАШ АҲВОЛИДАН ХАВАРДОР БУЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,
 ҲУҚУҚ-ТАРБИВОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ
 ЭШИТЯЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,
 АДЛАТСИЗЛИКДАН НАЖОТ ИСТАСАНГИЗ,
 СИРА АДАШМАСДАН «ПОСТДА»ГА ОБУНА БУЛИНГ.
 У БУ ЙИЛ НАРХИ ОШМАГАН-ЯҒОНА РЎЗНОМАДИР.
 ОБУНА БАҲОСИ — БИР ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЯНИ, ЯРИМ ЙИЛГА 7 СЎМ 80 ТИЯНИ,
 УЧ ОЙГА 3 СЎМ 90 ТИЯНИ.
 ОБУНА РАҚАМИ (ИНДЕКСИ) — 64616.
 КЕЛГУСИ ЙИЛИ РЎЗНОМАНИНГ СОТУВДАГИ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН. ОБУНА
 НАРХИ ЭСА УЗГАРМАДИ.

